

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 ноябрь шанба

Сотувда эркин нархда

№ 239 (2801)


## Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг олим ва мутахассислари, барча жамоа аъзоларига

*Қадрли дўстлар!*

*Сизларни академик Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман.*

*Нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида қишлоқ хўжалик фанининг нуфузли марказларидан бири бўлган ушбу илмий даргоҳ олимлари бир асрлик давр мобайнида қўлга киритган ютуқлар юртимиз сарҳадларидан олисларда ҳам маълум ва машҳур.*

*Институт тарихи, унинг бутун фаолияти юртимизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган амалий вазифаларни рўёбга чиқариш билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ бўлиб келгани айниқса аҳамиятлидир.*

*Ўтган давр ичида институтнинг турли вилоятларда жойлашган муассасалари ва филиаллари томонидан 150 дан зиёд мева ва узум навлари етиштирилгани, мамлакатимизнинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уларни парвариш қилишнинг замонавий технологиялари ишлаб чиқилгани бу ерда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг самараси ва кўламидан далолат беради.*

*Институтнинг кўпмиллатли илмий ва меҳнат жамоаси эришган улкан натижаларда қишлоқ хўжалиги соҳасининг алломалари Р.Р.Шредер ва шу илм даргоҳига ярим асрдан ортиқ давр мобайнида раҳбарлик қилган, халқимиз ҳурматига сазовор бўлган М.М.Мирзаевнинг хизматлари катта эканини жамоатчилигимиз яхши билади.*

*Ҳозирги даврда институт илмий жамоаси олдида ўтган йиллар давомида тўпланган бой тажрибалардан фойдаланган ҳолда, маҳаллий навлар асосида серҳосил, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган мевалар ва узум навларини яратишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди.*

*Ишончим комилки, сизлар ҳалол меҳнатингиз, илмий кашфиётларингиз билан мустақил Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга, ўлкамиз боғ-роғларининг шуҳратини бундан буён ҳам дунёга тараннум этишга муносиб ҳисса қўшасиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб, институт, унинг филиаллари ҳамда тажриба хўжаликларининг барча меҳнат аҳлини бу қутлуғ сана билан яна бир бор муборакбод этаман.*

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар, оилангизга файзу барака тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## ТЕХНИКА ЭКИШГА ШАЙ!

*Андижон тумани пахтакорлари бу йил 6113 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнер ўрнига 35,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Шартномавий режа 127,5 фоизга уддаланди. Ялпи ҳосилнинг 106 фоизи биринчи навга сотилди.*

*Айни пайтда бу ерда кузги-қишки юмушлар жадал олиб борилаяпти. Муҳими, ҳозирга қадар мавжуд ер майдонларини шудгорлаш, пушта олиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ҳатто чигит экадиган сеялкалар, чопиқ тракторлари ва ОВХ пуркагичлари ҳам мавсумга шайлаб қўйилди. Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ хўжалик техникалари тайёрлигини назорат қилиш комиссияси уларни юз фоиз қабул қилиб олди.*

*СУРАТДА: туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ҳасанбой Ҳакимов, И.Патидинов номидаги ширкат хўжалиги механизатори Абдулбоқи Аҳмадалиев ва бош пудратчи Аблуллажон Ҳамидов созланган техника воситалари сифатини кўздан кечирмоқдалар.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Олий Мажлисда*

## ТАБИАТ ҲАМ, ТИНЧЛИК ҲАМ БУЮК НЕЪМАТДИР

**Кеча Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда даставвал «Биологик ранг-бaранглик тўғрисида»ги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасида риоя этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Конвенцияга 1995 йил май ойида қўшилинганидан кейин мамлакатимизда зиммага олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси биологик ранг-барангликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасини ишлаб чиққан. Ва бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан маъқулланган.

Биологик ранг-баранглик бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасини тайёрлаш ишлари билан бир вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури тайёрланди. Бу дастур 1999 йилнинг октябрь ойида ҳукумат томонидан қабул қилинди.

Ҳаракатлар режасини бажариш учун мамлакатимизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Глобал экологик жамғарма томонидан 10 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдорида ажратилган маблағ ҳисобидан «Ғарбий Тянь-Шандаги биологик ранг-барангликни муҳофаза қилиш» (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон) лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳада Ўзбекистон томонидан Чотқол давлат қўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий боғи иштирок этмоқда. Ўзбекистонда ранг-барангликни сақлаб қолиш учун андоза сифатида «Нурота-Қизилқум биосфера қўриқхонасини барпо этиш» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2001 йил июнидан уни амалга оширишга киришилди. Қатор сув ҳавзаларимизни Рамсар халқаро рўйхатига киритиш учун ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ниҳоясига етказилди.

Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш умумжаҳон жамғармаси кўмагида Зарафшон қўриқхонасида хонгул — Бухоро оҳуларини сунъий кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айдаркўл-Арнасой тизимидаги кўлларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида бу кўлларда балиқларнинг юқори маҳсулдорликка эга бўлган турларини кўпайтириш имкониятларини ўрганиш ишлари олиб боријапти, биостанция ташкил этилди.

Бажарилган ишлар кўп. Лекин йиғилишда таъкидланганидек, Конвенцияга риоя этилишида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, белгиланган чора-тадбирлар режаси етарлича молиялаштирилмаяпти. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш, жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш, гарчи режага кўра, уни 2000 йилда ниҳоясига етказиш кўзда тутилган бўлса-да, шу вақтгача охирига етказилгани йўқ. Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамон турли идоралар тасарруфида қолмоқда. Бу ҳол эса ягона бошқарувни амалга оширишга, бундай ҳудудларни норматив-услубий ҳужжатлар билан таъминлашга, илмий маълумотлар ва далилларга марказлашган тарзда ишлов беришга ҳалақит бермоқда, мамлакатдаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ғов бўлмоқда.

Айни вақтда Конвенцияни амалиётда қўллаш қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо этаётир.

Йиғилишда, шунингдек, Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси, қўмита томонидан еттинчи сессия муҳокамасига киритилаётган «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги ҳамда «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Табиат ҳам, тинчлик ҳам буюк неъматдир. Шундай экан, уни асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланиши керак. Қўмиталарнинг қўшма йиғилишида ана шу даъваткор фикр бот-бот такрорланганлигини таъкидлаш ўринлидир.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил топганлигининг 100 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда ривожлантириш, янги навларни яратиш ва кўпайтириш борасидаги кўп йиллик илмий изланишлари ҳамда эришган амалий ютуқлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Фахрий унвон берилсин:*

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими"

**Джавакянц Юрий Мисакович** — Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

*Республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни илмий асосда юксалтириш, мевали дарахтлар ва узумларнинг серҳосил, чидамли, иқлимбоп янги навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, замонавий технологияга асосланган боғ-роғлар барпо этиш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнатлари, қўлга киритган муваффақиятлари, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Каримов Раҳмат Ҳакимович** — "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Марказий илмий-тажриба хўжалигининг гулчилик бригадаси бошлиғи

### "Дўстлик" ордени билан

**Жукова Анна Петровна** — "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг собиқ илмий ходими, меҳнат фахрийси

### "Шуҳрат" медали билан

**Ҳайдарқулов Ғулом Исоқович** — "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Самарқанд филиалининг катта илмий ходими

**Хамроқулов Адҳамжон** — "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Андижон вилоятидаги У.Мансуров номли "Избоскан" тажриба хўжалигининг директори

### "Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи" билан

**Усмонов Ҳамид Маҳмудович** — "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Наманган тажриба хўжалигининг директори

**Сайдалиев Алишер Убайдуллаевич** — "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Фарғона тажриба хўжалигининг директори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 21 ноябрь.

## АСРГА ТЕНГДОШ ИЛМ ДАРГОҲИ

Академик Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида мазкур илм даргоҳи ташкил этилганлигининг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг институт олимлари ва мутахассислари, барча жамоа аъзоларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ўқиб эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев йиғилишда сўзга чиқиб, мазкур илм даргоҳида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, боғдорчилик тараққиётини таъминлаш, аҳолининг мева ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим роль ўйнаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида институт фаолияти янада такомиллашди. Хусусан, кўчат етиштиришдан то тайёр маҳсулотни қайта ишлашгача бўлган жараённи мувофиқлаштирадиган "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб-чиқариш корпорацияси ташкил этилди. Ушбу корпорация таркибида, институтдан ташқари, еттита илмий-тадқиқот маркази ва 15 та тажриба хўжалиги самарали иш олиб боряпти. Институт ва унинг илмий муассасаларида яратилаётган янги навлар кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам экилмоқда.

Маросимда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Фан ва техника давлат қўмитаси раиси П.Ҳабибуллаев, Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ва хорижлик меҳмонлар институт жамоаси амалга ошираётган ибратли ишлар Ватанимиз илмий салоҳиятининг, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда Президентимизнинг Фармонига мувофиқ институтнинг фахрий унвон, орден ва медаллар, Фахрий ёрлиқларга сазовор бўлган бир гуруҳ ходимларига ушбу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Шу куни бу ерда мазкур институтнинг ташкилотчиларидан бири, академик Рихард Шредер ва ушбу илм даргоҳига эллик йилдан кўпроқ раҳбарлик қилиб келган машҳур боғбон, академик Маҳмуд Мирзаевнинг бюстлари очилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев қатнашди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Тошкентда "Марказий Осиё мамлакатлари 11 сентябрь воқеаларидан сўнг" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. У Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ва Швейцариянинг оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган CIMERA ташкилотининг қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР АНЖУМАНИ

Тадбирда минтақадаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманда АҚШда 11 сентябрда юз берган терророрчилик ҳаракатларидан сўнг Марказий Осиёда юзага келган геосиёсий вазият таҳлил этилиб, Афғонистондаги воқеаларнинг истиқболда ривожланиш эҳтимоли ва минтақа ички ва ташқи сиёсатига таъсири масалаларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзаро фикр алмашди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

**Термизда сўнгги вақтда қабул қилинган, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини жадаллаштириш, минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган ҳукумат қарорларининг Сурхондарё вилоятида бажарилиши таҳлилига бағишланган кенгаш ўтказилди.**

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг матбуот хизмати маълум қилишича, кенгашда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес учун шарт-шароит яратишга алоқадор вазирлик ва идоралар, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хорижий инвестиция жалб этилган корхоналар раҳбарлари иштирок этди. Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш, тадбиркорларга бошланғич маблағни шакллантиришга кўмаклашиш, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, республика минтақаларида, айниқса қишлоқ жойларида қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари мониторинги натижалари муҳокама этилди.

Кенгашда сўзга чиққан тадбиркорлар, фермерлар, мазкур ҳукумат ҳужжатлари қабул қилингандан кейин ўтган қисқа вақтда улар давлат идоралари ва бозор инфратузилмаси ташкилотларининг ўз муаммоларини ечишга эътибори кучайганини ҳис этганлигини таъкидлади. Чунончи, кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби анча соддалаштирилди, барча шаҳар ва туман ҳокимликларида "бир жойда" тамойили асосида рўйхатдан ўтказиш бўлимлари ташкил этилди.

Жорий йилнинг октябрь ойидан бошловчи тадбиркорларга бирламчи маблағ сифатида имтиёзли кредитлар ажратиш бошланди. Вилоят ва туман марказларида тадбиркорларга моддий-техника ресурсларини сотиш учун кичик улгуржи савдо дўконлари тармоғи яратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Жанубий ҳудудларда*

## АНГОР — КЎРКАМ БЕКАТ...

Ангорда Жўра Тошматов деган одам бор. Полвон. 72 ёшга кириб ҳамки полвонлик камар-белбоғини деворга илиб қўйгани йўқ. Кураш даврасини кўрса ҳалиям тап тортмай менман деган полвон билан олишаман, деб туради.

Яқинда Жўра полвон учун ўзи кўпдан бери кутган кўнгилли бир воқеа бўлди — Ангорда ўзбек кураши бўйича фахрийлар ўртасида катта беллашув ўтказилди. Вилоятнинг жами қишлоқларидан 100 га яқин полвон мусобақага қатнашди.

— Бу бир ажаб иш бўлди, — дейди Жўра полвон. — Қирқ ёшдан саксон ёшгача бўлган, ўзим кўпдан буён учрашмай соғиниб қолган полвонлар билан дийдор кўришдик. Умр — ўткинчи. Дийдор — ғанимат. Полвон халқи мард келади. Сохталикни, ёлғон гапни билмайди. Ғирромчиликни ёмон кўради. Полвонлар яшайдиган овулга ичи қора одамлар қадам босишдан ҳайиқишади.

Гап гапга уланиб Жўра ака юртнинг тинч-тотувлигидан сўз очади. Ангоримиз бу йил «беш» кетди. Ғалла, пахта режаларини ошириб бажариб юборди, дейди у полвонларга хос бўлмаган ҳалимлик билан. Полвоннинг бу гапидан сўнг мен туман ҳокимининг биринчи муовини Нурали Абдираимовдан эшитган рақамларни эсладим: Ангор бу йил 5836 гектар ернинг гектаридан 35,6 центнердан ғалла олди. Ҳосилдорлик ўтган йилдагидан оз эмас, 16 центнердан кўп бўлди. Ангор ғаллачилигида ислоҳот тантана қилди — 800 тага яқин пудратчи ошириб-тошириб хирмон кўтарди. Азизов номли хўжаликнинг Норбой Шойдилов деган ижарачиси 70 центнердан ғалла етиштирганини кўриб одамлар, андижонликларнинг рекорди қийин иш эмас экан-ку, дедилар. Санацияга тушган Мустақиллик номли ширкат хўжалиги озгина жойда ғалла ўстириб, 20 миллион сўм соф фойда олди. Яхши ишлаганларнинг омборлари донга тўлди.

Пахтачиликдаги ютуқларда ҳам ижарачиларнинг ҳиммати қўл келди. Режа бажариш, маррага етиш деган гапларнинг шавқи-завқини беш йилдан буён соғиниб келаётган ангорликлар бу йил 7500 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,6 центнердан хирмон кўтариб, шартнома режасини уддаладилар.

Катта меҳнат катта тўйга уланди. Ҳосил байрами тўйида шўх-шаън қўшиқлар янгради. Ёш полвонларнинг курашини кўриб, Жўра полвонлар ёшариб кетгандай бўлдилар.

— Ғаллани экиб бўлдик, — дейди Н. Абдираимов. — Биз учун энди Норбой Шойдилов, Чори Бобомуродовдек 70 центнердан ҳосил олган ижарачилар тажрибаси маёқ бўлади. Кузги-қишки дала ишларини жадал давом эттираяпмиз.

— 20-ўрта умумтаълим мактаби учун янги иморат қурилиши битди. «Ўзбекистон 10 йиллиги» ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти қурилмоқда, — дейди Абдураимовнинг гапини давом эткизиб туман ҳокими муовини Эркин Кўчкинов. — Туман футбол жамоасининг йигитлари шижоати лочинникидай. Узоқ парвозларни кўзлашяпти. Табиий газ, ичимлик сув таъминоти бўйича муаммоларимизга ечим қидиряпмиз...

— Бу яхши кунларнинг қадрига етмоқ керак, — дейди Жўра полвон ҳали кучи қочмаган бармоқларини бир-бирига қасирлатиб ишқалаб. — Бир гапни яна қайтарай: умр ўткинчи. Одамлар бир-бирларига меҳрибон, раҳмдил бўлишлари керак. Кўриб турибмиз дунёда нима гап, нима воқеалар бўлаётганини. Бир кишига меҳрибонлик қилдингми, бу — дунёга меҳрибонлик қилганинг. Бир қушчага ёвузлик қилдингми, бу — ҳаммага ёвузлик қилганинг. Ёвузликнинг жавоби — муқаррар. Шундоқ ёнимизда, ана, Афғонистон. Яхшилик билан, одамларнинг орзу-туйғулари билан, дунё билан ўйнашмоқчи бўлганлар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолмаяптими. Барибир ҳушёр турмоқ лозим. Ҳушёрлик — меҳнатда. Ҳушёрлик — бир-биримиздан огоҳлигимизда. Ҳушёрлик ноғора эмас. Ҳушёрлик — виждоннинг поклигида, сўзинг тўғрилигида... Шу биргина сиқим тупроқни кўзга суртиб яшашга бўлган иштиёқингда.

... Термиз — Шеробод катта йўли Ангор қўрғонини айланиб-ёналаб ўтади. Аммо йўловчилар қўрғоннинг ўртасидаги йўл билан юришга ошиқадилар. Ангорликларнинг эса йўловчиларга намойиш этадиган яхши ишлари, уларга айтадиган ширин сўзлари бор...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олий Мажлис сессияси олдидан

**Олий Мажлиснинг VII сессиясига саноқли кунлар қолди. Шу боис унинг муҳокамасига киритилган кўплаб қонун лойиҳалари юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Мухбиримиз партия фракциялари раҳбарларига битта, яъни: «Сизнинг партиянгиз Парламент сессиясига қандай тайёргарлик кўрмоқда?» деган савол билан мурожаат қилишди. Бугун Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари Ахтам ТУРСУНОВнинг шу хусусдаги фикрлари билан танишасиз.**

# АМАЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

— Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Марказий Кенгаши ҳамда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоларининг 2001 йил сентябрь-ноябрь ойларидаги фаолияти ҳақида сўз борар экан, Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Адолат — қонун устуворлигида» мавзуидаги маърузасида кўтарилган долзарб масалалар, уларни ҳаётга татбиқ этиш, сессияда қабул қилинган қонунларнинг моҳияти билан аҳолини батафсил таништириш ишлари фаолиятимиз йўналишида муҳим аҳамият касб этди, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, учрашувлар мобайнида бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлган терроризм муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаблари, Ўзбекистон ҳукуматининг 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларига муносабати бўйича ҳам жойларда туркум учрашувлар ташкил этилиб, уларда, айниқса, ёшларнинг иштирокини таъминлашга жиддий эътибор берилди.

Айни пайтда партия аъзолари томонидан тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Кейинги вақтда республика газеталарида 15 дан ортиқ турли мақола ва суҳбатлар эълон қилинган бўлса, телевидение ҳамда радио орқали 50 дан зиёд чиқишлар қилинди.

Партиянинг халқ ичига кириб боришини таъминлаш мақсадида Марказий Кенгаш ҳамда фракциянинг тадбирлари ҳақида республика телевидениеси ҳамда радиоси дастурларида, партия нашри бўлмиш «Fidokor» газетасида ахборот бериб бориш йўлга қўйилди.

Қонун яратувчилик фаолиятига тўхталадиган бўлсак, партия Марказий Кенгаши ҳамда фракция ҳамкорлигида ҳуқуқий ва иқтисодий масалалар бўйича ташкил этилган экспертлар гуруҳи еттинчи сессия кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз хулосаларини тайёрлаб, Олий Мажлиснинг тегишли қўмита ва комиссияларига тақдим этди.

Масалан, сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаатномаси лойиҳаси бўйича ва қонун лойиҳаларидан 6 тасига 68 та ва бир кодексга 27 та таклифлар берилди. Ушбу таклифларнинг кўпчилиги лойиҳани маромига етказишда эътиборга олинди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида партия аъзолари турли халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамғармалар, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйдилар. 2001 йилнинг 1 октябрь куни ўтказилган «Ўзбекистон ва Германияда партиялар ҳамда парламент» мавзуидаги халқаро конференция, жорий йилнинг 14 октябрида ўтказилган «Ўзгаришларни бошқаришда халқ депутатлари Кенгашининг ўрни» мавзуидаги семинар ва бошқа бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратиш учун ислоҳотлар босқичма-босқич давом эттирилар экан, партия ҳам республикамизда миллий парламентаризмни ривожлантириш ва унинг фаолиятини янада takомиллаштириш борасида амалий изланишлар олиб бораяпти. Бу борада жаҳон тажрибасига ҳам мурожаат этилиб, Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Швейцария, Польша каби бир қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилди.

Изланишлар натижасида икки палатали қонун чиқарувчи органнинг жамиятни янада либераллаштириш, аҳолининг кенг қатламларини сиёсий ҳаётга жалб қилишда сиёсий партиялар ҳаётининг фаоллашуви аҳамиятли эканлиги эътироф этилиб, партия аъзоларининг ушбу мавзулар бўйича бир нечта мақолалари эълон қилинди.

Албатта, эришилган натижалар биз учун охирги марра эмас. Негаки, амалга оширилган вазифалар билан бирга ҳали қилинажак ишларимиз ҳам бисёр.

**Фурқат САНАЕВ**
**ёзиб олди.**





***«Кобул-Фарғона Ко ЛТД» қўшма корхонаси ип-калава ва газлама ишлаб чиқариш бўйича йирик жамоалар қаторидан ўрин эгаллаши шубҳасиз.***

*«Фарғона тўқимачилик комбинати» масъулияти чекланган акциядорлик жамияти ва Жанубий Кореянинг «Марубени корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган ушбу корхонанинг ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар истеъмол бозоридан муқим ўрин эгаллади. Сабаби, маҳсулотлар сифатли, пишиқ-пухта. Энг асосийси — ўзбек пахтаси толасидан. Корхонада ишлаётган ёшларнинг замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётганини кўриб, фахр туясан киши.*

*Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 2500 нафар йигит-қиз доимий меҳнат ўринларига эга бўлади.*

*СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Нигора Мадаминова; корхонанинг умумий кўриниши акс эттирилган.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Очеркка мавзу

# ҲОКИМ МУХБИРГА САВОЛ БЕРДИ

Бир куни кутилмаганда Элликқалъа тумани ҳокими Неъматилла Худойберганов. «Сиз оддий одамлар ҳақида нечта мақола ёзгансиз?», деб сўраб қолди.

Ўзимча "кўп" деб қўйдим-у, бироқ қораламаларимни бундоқ тарозига тортганимда, ёлғон гапирганимни сездим. Тўғри, деҳқонлар ҳақида, механизатор ёхуд бирор цех ишчиси тўғрисида чиқишлар қилганман. Лекин ўша иншоларимда қаҳрамон фаолиятини у ишлаётган хўжалик, корхона билан боғлаганим учун шахснинг ботиний ва зоҳирий қиёфаси, таъбир жоиз бўлса, унинг асл хислатларини назардан четда қолдирган эканман.

— Оддий кишилар ҳаёти зўр очеркларга мавзу бўлади, — деди яна ҳоким. — Мана, масалан, яқинда Султон Ҳусаинов деган киши оламдан ўтди. Бу исм-шариф сизга нотаниш, албатта. У катта лавозимларда ҳам ишлаган эмас. Аммо одамларнинг Султон ака ҳақидаги хотираларига қулоқ тутсангиз, у Элликқалъанинг Элликқалъа бўлишида улкан ҳисса қўшганига амин бўласиз.

Ҳоким айтди дея дабдурустдан очерк ёзгани чоғланганим йўғ-у, ҳамсуҳбатларимдан Султон ака ҳақида кўп суриштирдим. Ва эшитганларим чиндан ҳам очеркка арзигулик маълумотлар эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ижодкор бундай пайтда беихтиёр дилига тугади: "Шу киши ҳақида яхши бир очерк ёзаман".

Ҳозирги Бўстон шаҳрининг жуда кўркамлигини кўпчилик яхши билади. Бироқ яқин ўтмишда унинг ўрнида чўл ва қум барханлари ястаниб ётганини ҳамма ҳам кўз олдига келтиролмаса керак. Султон Ҳусаинов айни шу даврда бу ерга ўз оиласи билан кўчиб келиб, биринчилар қатори чўлкуварликни бошлаган. Очерк ибтидосида ана шу далил билан боғлаб фикр юритиш ниятидаман.

Асосий қисмга ўтишдан аввал, яъни муқаддима ниҳоясида Султон аканинг 1925 йил қадимги Шоббоз (ҳозирги Беруний тумани)нинг Қилчиноқ аталмиш гўшасида таваллуд топганидан тортиб, унинг механизаторлик, табелчилик қилгани, Нукус қишлоқ хўжалик техникумида ўтган талабалик йиллари ҳақида сўз очсам, қандай бўларкин.

Инсондан нима қолади? Албатта, хотира ва қилган ишлари. Пушти камаридан туғилган фарзандлар комил ва фозил бўлиб вояга етганда эса ўша хотира ўз-ўзидан яхши ёдга айланади. Қўни-қўшни, эл-улус "Ҳа, раҳматли отаси ҳам яхши одам эди", дея эслашади. Бугун Султон ака ҳақида ана шундай хотираларни тинглар эканман, очеркимнинг бир бўлимида қаҳрамонимнинг фарзандларига жой ажратмоқчиман. Зеро, улар кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас — 10 нафар. Невараларнинг 30 дан ошиғини баракаси учмасин, деган иримга бориб санамадим. Тўнғич ўғли Отахон ва катта қизи Гулқанд тумандаги энг тажрибали ўқитувчилардан. Мақсуд, Дилором, Мурод ва Жаҳонгир механизаторлик касбини танлашган. Ширин, Мунаввара, Гулнора, Гулнозаларнинг ҳар бири катта хонадоннинг уй бекаси.

**"Мулойим табиатли, босиқ, айни пайтда ўзига яраша қаттиққўл, меҳр-оқибатли, лафзи ҳалол, ишга ўта масъулияли эди".** Султон аканинг ички ва ташқи қиёфасининг чизгилари ана шу сўзлар билан бошланса, ажаб эмас. Боғ ва токзорларни кўпайтиришга, ҳосилдор ва ноёб мевали дарахтларни пайвандлашга ихлоси баландлиги қаҳрамонимнинг ишдан бўш вақтлардаги машғулотлари сирасига кирган.

Элликқалъа замини, умуман воҳанинг ҳар қарич ери муқаддас, табаррук. Шундан илҳомланган шоир қуйидагича сатрлар битган:

*Тирик инсон эмиш бунда қасрлар,*
*Қасрларда мужассамдир асрлар.*
*Асрларким, солиб довруғ насллар,*
*Камол топмиш насллардан асллар!*

Олтин ўтмиши минг-минг йилларга бориб тақаладиган Элликқалъа бундан ўн аср муқаддам ҳувиллаб қолди. Кишилар серсув жойларга — Амударё соҳилларига кўчиб кетди. Қадимий воҳа эса ўзининг иккинчи ҳаёти ижодкорларини узоқ кутди. Ўтмишдаги серҳосил ерларга бўлган қизиқиш бундан 30-40 йил олдин қайта жонланди. Қўриқни ўзлаштириш учун техникавий-иқтисодий куч етишмаслиги, ирригация-мелиорация иншоотларини бунёд этишга маблағнинг камлиги боис асосий эътибор инсоннинг қўл кучи, ақли қудратига қаратилди.

Султон Ҳусаиновнинг очеркимизга мавзу бўлган хислатлари айни шу жараёнда бўй кўрсатади. У нафақат ўзи ишлади, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира билди. Янги ерга турли жойлардан кўчиб келган омманинг эл бўлиб, халқ бўлиб шаклланишида пешона тери билан топилган нонини шу одамлар билан баҳам кўрадиган етакчилар зарурлигини биласиз. Султон ака ана шундай етакчилик даражасига кўтарилган инсон. Йўқ, у катта лавозимларда ишламади. Бироқ юрт равнақи учун қилган хизмати туманнинг шу пайтдаги катта-кичик раҳбарлариникидан кам эмас.

Мен шу инсон ҳақида очерк ёзаман. Бунинг учун яна Элликқалъага бораман. Эл фикрини тинглайман. Хотираларга қулоқ тутаман.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Конституция ҳақида суҳбатлар

**Маълумки, мамлакатимизнинг Асосий қонунида ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳуқуқий нормалар орқали мужассамлаштириш, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг бурч ва ваколатлари масалаларига катта ўрин берилган. Бу талабларга жойларда, хусусан, Фарғона вилоятида қай даражада амал қилиняпти? Мухбиримизнинг вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бошлиғи, юридик фанлари номзоди Эгамберди ҚЎЗИЕВ билан суҳбати ана шу ҳақда.**

# ИЖТИМОИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛАШГАН ҚОНУН

— Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси, инсонпарварлигини биринчи навбатда у ўтказаётган ижтимоий сиёсатга қараб баҳолаш таомилга айланган.

Конституциямизда ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи ўз ҳуқуқидир, дейилади. Инсон ҳаётига, соғлиғига қарши ҳар қандай ҳаракат жиноятдир.



Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати унинг ҳаёти, соғлиғи, шахсий эркинлиги дахлсиз бўлиб, қонун билан ҳимоя қилинади. Шаън — бу жамиятнинг шахсга баҳоси. Инсон қадр-қиммати қанчалик юксак баҳоланса, қадрланса, ҳурматланса шунча оз. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг асосий моддалари фуқароларнинг эркинлиги, ижтимоий масалаларга қаратилган.

Маълумки, давлатимиз фуқароларга эркинлик бериш масаласи бўйича қонунда белгиланган барча халқаро нормаларни тўла бажариб келмоқда. Жумладан, республикамиз Олий Мажлисининг қатор сессияларида ижтимоий ҳимояга муҳим масала сифатида қаралаяпти. Чунки эркин меҳнат қилиш кишиларнинг яшаши, турмуш кечириши билан бевосита боғлиқдир. Қайси бир давлатда фуқароларнинг эркинлиги тўла белгиланган бўлса, ўша ерда тараққиёт, ривожланиш бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунида меҳнат қилиш эркинлиги белгиланган. Ҳали ҳам орамизда меҳнат қилиш, касб танлаш, эркин ҳаёт кечириш имтиёзларини тушунмаётган кишилар учраб турибди. Жумладан, айримлар ҳафсаласизликка берилиб, қонун билан тақиқланган ҳаракатлар содир этишга уринадилар. Мустабид тузум даврида меҳнат мажбурий бўлиб, агар кимда ким олти ой мобайнида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаса, жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган эди. Ҳозирда эса шахснинг хоҳласа ишлаши, хоҳласа меҳнат қилмаслиги қонунга зид эмаслиги белгиланган, ишдан ташқари вақтда шартнома асосида меҳнат қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бу қоида ҳатто айрим ривожланган мамлакатлар қонунчилигида ўз ифодасини топмаганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Айрим чет эл оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда ишсизлик тобора кўпайиб бораётганлиги ҳақида айюҳаннос солишдан чарчамаяпти. Лекин улар юртимизнинг азалий қадриятлари, Шарқ деҳқончилик маданиятига асосланган тамойилларини гўёки сезмасликка ҳаракат қилишади. Биргина Фарғона вилоятида мустақиллик йилларида 53000 гектар ер томорқа сифатида берилди. Шу тариқа 527 мингдан зиёд янги ишлаб чиқариш ячейкалари — томорқачилар ташкил топди. Қишлоқ аҳолисининг азалий орзулари ушалди. Улар нафақат уйли-жойли, балки ўз томорқасида меҳнат қилиш, нознеъмат етиштириш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар. Ҳозир вилоятда чорвачилик маҳсулотларининг тўртдан уч қисмини, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг учдан икки қисмини хусусий сектор етказиб беряпти. Шунингдек, вилоятда 4170 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони эса ўн тўрт мингтадан ортиб кетди.

Ундан ташқари аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик дастурини бажариш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг тўққиз ойида 66000 дан зиёд фуқаро ишга жойлаштириш масаласида тегишли муассасаларга мурожаат қилган. Уларнинг 47 минг 136 нафари доимий иш билан таъминланди. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимоя, эркинлик, адолат тамойилларининг амалдаги ифодаси эмасми?

**Суҳбатдош:**
**Набижон СОБИР**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Муаммо ва ечим

**Ёнғоқ ҳақида ўйлаганимда, энг аввало, заҳматкаш олим, биология фанлари номзоди Маннон Тўйчиев ёдимга тушади. Ўз соҳасининг билимдони бўлган бу инсон илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, ёнғоқзорлар яратиш билан бир қаторда шу неъматни халқ ўртасида тарғиб этишга, у ҳақда кенг маълумот беришга интиларди. Шу боис ижодкорлар доирасида ҳазил-мутойиба билан Маннон Тўйчиевни «ёнғоқ домла» дея таърифлашарди. Ўша пайтда йигирма ёшдан ошган ёш ходим эдим. «Тошкент бинокори» газетасида ишлардим. Маннон ака таҳририятимизга тез-тез келиб, ижодий жамоа аъзолари билан суҳбатлашарди. Ёнғоқзорларни кенгайтириш, бу дарахтни тоғ этакларига, дараларга, йўл ёқаларига, сув бўйларига кўплаб экиш зарурлигини қайта-қайта такрорларди. Гарчи унинг жонкуярлик билан билдираётган мулоҳазаларига эътибор берган бўлсам ҳам, бу масаланинг туб моҳиятини тўла англамаган эканман...**

# ЙИГИРМА ТУП ЁНҒОҚ

## бир миллион сўм даромад келтиради



«Қишлоқ ҳаёти» газетаси мухбири сифатида хизмат тақозоси билан мамлакатимизнинг турли минтақаларида тез-тез сафарда бўлишимга тўғри келади. Республикамиз ҳудудининг каттагина қисмини тоғ ва тоғ ёнбағирлари, қуйи қисмидан жилға оқиб ўтувчи даралар, қир-адирликлар ташкил этади. Бундай манзараларни Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, айниқса, кўп учратиш мумкин. Баъзан шундай бўладики, тоғ ва даралар ёқалаб ўтган йўлда автотранспортда соатлаб юрсангиз ҳам, бу бепоён кенгликларнинг адоғи кўринмайди. Биргина мисол. Қашқадарёнинг Деҳқонобод, Ғузор, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд вилоятининг Ургут туманлари оралаб юрсангиз, заминимиз нақадар фусункор ва саховатли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ана шундай тоғолди минтақаларида табиий ёнғоқзорларни, у ер-бу ерда ўсган азим дарахтларни кўрасиз. Улар ўлкамизнинг бойликларидан бири, ғоят муҳим оқсил манбаи эканлигини ҳис этасиз.

Шундай ўй-фикрлар билан теварак-атрофга назар ташлар экансиз, ёнғоқ дарахтлари бор жойлар билан бирга, ҳувиллаб бўш ётган ерлар ҳам кўп эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шунда беихтиёр «Бу жойларда ёнғоқзорлар барпо этиб, жилғалар бўйига шундай дарахт кўчатларини бир қатор қилиб экиб, оқсилга бой неъмат етиштиришни кўпайтириш мумкин-ку?!» деган мулоҳаза кўнгилдан ўтади.

Тоғли туманларда меҳнат ресурсларига ўша жойнинг ўзида иш топиб бериш қийинлиги сабабли, кўп кишилар, айниқса, ёшлар пул топиш учун шаҳарларга келишга мажбур бўлишмоқда. Уларнинг баъзиларигина ўзларига иш топишади. Қолганининг даромад манбаи йўқ ҳисоби. Ана шундай кишиларнинг маълум қисмини ёнғоқ етиштиришни кўпайтиришга жалб этиш мумкин. Фикр-мулоҳазамни қуйидаги амалий таклиф билан мустаҳкамлашни лозим топдим. Сариосиё, Бойсун, Қўшработ, Нурота, Бахмал, Фориш, Зомин, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Поп, Косонсой ва бошқа тоғолди туманларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Бизнес-фонд», тижорат банклари бўлинмалари ширкатлар, ўрмон хўжаликлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда, ҳокимликлар раҳбарлигида бу таклифни амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун туман бўйича ўн-ўн беш, агар иш ҳажми кўп бўлса, йигирма-ўттиз кишилик кичик корхона тузилади. Мутахассислар ва боғдорчилик соҳасида тажриба тўплаган кишилардан иборат гуруҳ томонидан ёнғоқзор барпо этиладиган бўш жойлар аниқланиб, шундай дарахтни якка ҳолда бир қатор қилиб экиш имконияти бўлган, жилға оқадиган даралар белгилаб олинади. Бу ерлар кичик корхона жамоасига узоқ муддатга ижарага берилади. Ана шу хўжалик юритувчи субъект дастлабки даврда оёққа туриб олиши учун банк томонидан камида етти-саккиз йилга имтиёзли кредит бериш режани рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ёнғоқзор барпо этилиб бўлингач, уларни парваришлаш, озиқлантириш, касалликларга қарши курашиш билан чекланилади. Ўша даврга бориб, жамоа аъзоларининг иши бирмунча камаяди. Асосий фаолиятга қўшимча равишда деҳқончилик ёки ишлаб чиқаришнинг бошқа жабҳаси билан шуғулланиш мумкин. Бу ўзини ўзи маблағ билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур бизнес-режани амалга ошириш орқали учта ижтимоий-иқтисодий муаммонинг ечими топилади. Биринчиси — меҳнат ресурслари ишга жалб этилади. Иккинчидан, бўш ётган тоғ ёнбағирлари ва даралардан фойдаланиш йўлга қўйилиб, теварак-атроф яшиллик билан қопланиши табиат мувозанатини сақлашга хизмат қилади. Учинчидан, хосиятли неъмат етиштириш ҳажмини кенгайтириш, уни халқимизга янада кўпроқ етказиб бериш, хорижга экспорт қилиш имконияти ортади.

Муҳими, ҳамжиҳатлик билан иш юритсак, тадбиркорлар ўзларига яратилаётган кенг имкониятлардан фойдалансалар, боқимандалик кайфиятидан тезроқ қутулсак, меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсонни иш билан таъминлаш масаласини яқин йилларда ҳал этишимиз мумкин-ку, ахир, деган мулоҳаза шуууримизни ёритади.

Хабарингиз бор, тоғ ва тоғолди минтақалари, дараларнинг асосий қисми Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфида. Мевали ва манзарали дарахтлар билан табиий равишда қопланган, шундай ўсимликлар маданий равишда экилиб, ўрмонзорлар вужудга келтирилган ерлар 2.379 минг гектарни ташкил этади. Жумладан, ўрмончилар тили билан айтганда, ёввойи ҳолда ўсувчи ва инсон қўли билан вужудга келтирилган ёнғоқзорлар ҳам бор. Шу билан бирга, дарахт ўстириш мумкин бўлган минг-минглаб гектар ер ҳозирча бўш турибди. Қолаверса, Ўзбекистон ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастурида 3,4 минг гектар ерда янги ёнғоқзорлар, бодомзорлар, пистазорлар ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бу борада бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. Агар ишлар кўлами кенгайтирилса, юқоридаги кўрсаткични ўн-ўн беш баравар ошириш имконияти мавжуд.

Афсуски, баъзи ўрмон хўжаликларида мевали дарахтларни, шу жумладан, ёнғоқзорларни парваришлаш, ўз вақтида озиқлантириш ва ҳашаротларга қарши курашиш талаб даражасида эмас. Оқибатда бу маҳсулотнинг камайиб кетишига олиб келмоқда. Деҳқон ва фермер хўжаликларида, ҳовлиларда ўн ёшдан ошган ҳар туп ёнғоқдан ўртача 70-80 килограммдан ошириб ҳосил олинаётган бир пайтда айрим ўрмон хўжаликларида бу кўрсаткич 10-15 баравар кам эканлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Тоғли минтақалардан ташқари бошқа жойларда — шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқларда ҳам ёнғоқ етиштириш учун имконият мавжуд. Турар жой даҳаларида бу дарахтни кўпайтириш катта наф келтиради. Кўп қаватли уйлар оралиғидаги қанча-қанча унумдор ерлар бўш ётибди ёки мевасиз дарахтлар билан қопланган. Бир қаватли уйлардан иборат маҳаллаларнинг кўчалари четларига, ҳовли этакларига ёнғоқ экиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қадим-қадимдан ўзбек хонадонларида камида бир-икки туплан ёнғоқ ўстиришга ҳаракат қилинганлиги бежиз эмас.

Ёнғоқ ҳақида муфассал тўхталишимизнинг асосий сабаби шуки, у 150-200, ҳатто 300-400 йил яшайди. Ер ости сувлари юзага чиқмаган, лекин нами етарли, карбонатли, қумоқ тупроқли жойларда яхши ўсади. Пайванд қилингани 4-6 йилда ҳосилга киради, 10-15 яшари 60-100, 20-30 яшари 150-200, айримлари эса 500 килограммгача мева беради.

Бундан ташқари, ёнғоқ мағзи таркибида 45-75 фоизгача ёғ, 8-21 фоиз оқсил ва кўплаб витамин моддалари бор. Мағзидан ёғ-мой саноатида, қандолатчиликда ва бошқа соҳаларда фойдаланилади. Барги, пўстлоғи ва мевасининг яшил қобиғидан ошловчи моддалар, жигарранг бўёқ олинади. Ёғочи эса мебель тайёрлашда ишлатилади.

Ёнғоқнинг энг серҳосил, мағзи тўқ, пўчоғи юпқа, ҳар бир минтақанинг табиий-иқлим шароитига мос навларининг пайванд қилинган кўчатларини етказиб бериш масаласига келсак, қийинчиликка дуч келинмайди. Чунки бу борада яхшигина имкониятга эгамиз. Ўрмон хўжаликлари, Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, унинг вилоят филиалларидаги кўчатчилик бўлинмаларида катта тажриба тўпланган.

Эътиборлиси, республикамизда ҳар йили етиштирилаётган минглаб тонна ёнғоқ хусусий тадбиркорлар ҳамда маҳсулот эгалари томонидан хорижий мамлакатларга олиб чиқилиб сотилмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йили 3468 тоннани ташкил этди. Бу аҳоли даромадини кўпайтиришга, оз бўлса-да, ҳисса бўлиб қўшилаётганлиги кишини қувонтиради, албатта. Бироқ сўраб-суриштиришлардан шу нарса маълум бўлдики, давлат идоралари томонидан ёнғоқни экспорт қилиш ҳозирча кун тартибига киритилмаган. «Ўзбекбирлашув», Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига хорижий компаниялардан ёнғоқ сотиб олиш бўйича анчагина таклифлар келган. Маҳсулот етиштирувчилардан уни сотиб олиш ва фаолият юритиш учун айланма маблағнинг йўқлиги сабабли, ана шу манфаатли ишни йўлга қўйишнинг имконияти бўлмаяпти. Бу масала ҳал этилса, хорижий валюта ишлаб топиш манбаи яна биттага кўпайган бўлур эди.

Яна бир гап. Бозорда унинг ўртача нархи 500 сўм. Бир туп дарахт етти-саккиз ёшда 40-60, ўн ёшдан ошганидан кейин юз килограммдан зиёд ҳосил беради. Демак, ёнғоқнинг бир тупи йилига эллик минг, йигирма тупи эса бир миллион сўм даромад келтиради. Жаҳон бозорида бу неъматнинг килограмми ўртача 2,8-3,4 АҚШ долларида баҳоланади. Кичик икки-уч минтақада ёнғоқ етиштирадиган Хитой 2000 йили 310 минг тонна маҳсулот экспорт қилиб, қарийб 1 миллиард долларга сотган. Бирни кўриб фикр қил, деганларидек, яқин уч-тўрт йилда тадбиркорлар кучи билан мамлакатимизнинг тоғолди минтақаларида ва жилғалар оқувчи дараларда 150 минг гектар ёнғоқзорлар вужудга келтирилишини тасаввур этайлик. Ҳар 1,5 гектар майдонда ўртача юздан дарахт бўлиб, тупидан 70 килограммдан маҳсулот олинса, харажатлар чегириб ташланиб, ўлчов бирлигидан 2 доллардан фойда кўрилганида ҳам, умумий кўрсаткич 1,4 миллиард долларни ташкил этади.

Ана шулар ҳақида ўйлаганингда, мамлакатимизнинг табиий ва иқтисодий имкониятлари чексиз эканлигига қайта-қайта имон келтирасан, киши. Зотан, Япониянинг таниқли арбоблари ва мутахассислари «Техникавий ривожланиш маълум юқори нуқтагача давом этади, Ўзбекистон сингари давлатларнинг катта табиий имкониятлари техника тараққиётига пайваста бўлиб, янада юксалиб боришида алоҳида аҳамият касб этади», дейишганининг боиси шунда.

... Қани, биродар, бу йилги ҳосилдан, обдон қуритилган ёнғоқдан чақиб, дастурхонга келтиринг. Оила аъзолари жамулжам ҳолда ҳузур қилиб, бафуржа нонушта қилиб олайлик. Сўнг кўзлаган эзгу ишимизга Яратгандан ривож тилаб, уни рўёбга чиқаришга киришайлик.

**Суннатилла САЙДАЛИЕВ,**
**журналист.**

# ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика товар-хомашё биржасининг вилоят бўлими ва "Сурхондарёулгуржисавдо" акциядорлик жамиятида савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўпайди.

Айни пайтда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг мазкур йўналишларида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар талайгина. Жумладан, ҳокимликлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг аҳолини хабардор қилиш бўйича иши етарли бўлмагани сабабли рўйхатга олинган кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони кўпаймади. Жорий йилда вилоятда мўлжалланган 5 та қўшма корхонадан фақат 2 таси ташкил этилди. Вилоят бўйича рўйхатга олинган 28 та қўшма корхонадан 6 таси фаолият кўрсатмаяпти.

Тижорат банклари томонидан вилоят тадбиркорларига берилган ресурсларнинг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар улуши бор-йўғи 2,1 фоизни ташкил этади. Кичик улгуржи савдо дўконлари томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ҳам ҳали пастлигича қолмоқда.

Муҳокама этилган масалалар, аниқланган камчиликлар юзасидан шаҳар ва туман ҳокимликлари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, республика ва вилоят ташкилотлари раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди, тадбиркорлар эса ўзлари кўтарган масалалар бўйича жавоб ва тушунтиришлар олди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ў.Исмоилов, Сурхондарё вилояти ҳокими Б.Олимжонов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

Сизга шеър айтгим келди

## Уйғоқлик матлаби

Ердан узиб олди бағрини бу эл,
Бу Ватан оёқлар остидан кетди.
Тупроқлар уйғонди зарраси қадар,
Ҳуррият насими юракка етди.

Эй, уйғоқ аҳиллар адл айтингиз,
Уйғоқлик матлаби — уйғотмоқ элни.
Менинг юрагимда ушалган орзу
Кўзларида кетди Усмон Носирнинг.

Ҳуррият — руҳият тариқатидир!
Халқни олиб боргай энг порлоқ йўлга.
Эй, Ватан деб ёнган самандарқушлар,
Сиз байроқ тутдингиз ҳар битта қўлга.

Мозий йиғлаб турар бизга қўл чўзиб,
Қонлар оқиб турар ханжарларидан.

Бизнинг новда бўлиб унганимиз рост,
Энг собит дарахтнинг шажарларидан.

Жоним Ватан дейман жонимни қучиб,
Қай ерга кўмгандинг нолаларингни?!
Ҳар бири бир тоғдай юксалиб келар,
Ҳуррият уйғотди болаларингни.

Руҳингиз соқчидир, эй, шаҳидларим,
Китоблар қаъридан келар додингиз.
Сиз бизнинг мангулик дарахтларимиз,
Ҳар битта юракда яшар ёдингиз.

Эй, Ватан ишқида ёнганлар, келинг,
Юракда ўстирдик гулларимизни.
Биз порлоқ кунларнинг соҳибларимиз,
Уфққа туташтиринг йўлларимизни!

## Ҳурлик куни

Гуллардан овоз келди.
Йўллардан овоз келди.
Кишанлару чоҳлардан,
Қуллардан овоз келди:
«Қаддингни тикла,
жоним
Ватан сенинг иймонинг»
Бошим эгилди, келдинг!
Дорим тикилди,
келдинг!
Осмонларингга оҳим,
Дардим экилди келдинг!
Зорлар кетди бошимдан
Дорлар кетди бошимдан
Ғамимдайин қоп-қаро,

Қорлар кети бошимдан
Манглайинг қани, Ватан?!
Давронлар асли келди,
Сени сотиб кетганга,
Тазарру фасли келди,
Тошингни қучдим, Ватан —

Бошимни қучдинг, Ватан!
Кўз ёшларимни артдинг —
Пойингни қучдим, Ватан!
Шунда бир садо келди,
Дарахтларим тўлғонди.
Етмиш икки томирим.
Байроқ бўлиб уйғонди:
«Қаддингни тикла, жоним,
Ватан сенинг иймонинг».



Гулжамол АСҚАРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.



## Уста Ғулмат фалсафалари

Ул доно дебдур: «Камбағални урмаю, тўнини йирт». Ман доно қўшимча айтдим: «Бойни ўлдирма-ю, душманига амал бер».

* * *

Қонхўрга кўз ёшлаған — қудуққа қармоқ ташлаған.

* * *

Эгам тилсимотларининг ғаройиблиги кўпчилик ақлдорни кал қилиб яратғонида эмас, барча калга ҳам ақл беравермағонида яққолроқ кўринур.


## «ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ



2002 ЙИЛГА ГЎШТ, СУТ, ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ШАРБАТ ВА ИЧИМЛИКЛАРНИ



харид қилиш бўйича шартномалар тузиш учун, мулк шаклидан қатъи назар, барча савдо ташкилотлари ва бошқа истеъмолчиларни

УЛГУРЖИ ЯРМАРКАГА таклиф қилади.

Ярмарка 2001 йил 30 ноябрь куни соат 10.00дан 16.00гача Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 26-даҳа, «Тошкентсут» акционерлик жамияти биносида бўлиб ўтади.



Маълумот учун телефонлар: 144-29-21, 72-02-85, 144-24-00, 41-31-42.

5009/2406


ҲИКМАТ

*Доно бўлмай туриб, камтар бўлиш мумкин,*
*Камтар бўлмай туриб, доно бўлиш қийин.*


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.




## САВОЛ БИЗДАН...

*Тақдим этилаётган рўйхатдаги беш улуғ сиймодан учтаси Бухорода яшаган ва ижод қилган. Қайсилари?*

1. Рудакий
2. Журжоний
3. Паҳлавон Маҳмуд
4. Фитрат
5. Фирдавсий



*Аниқ жавоб берган газетхоннинг исми шарифини келгуси сонда маълум қиламиз. (Душанба куни қўнғироқ қилинг).*

**23 НОЯБРДА БЕРИЛГАН САВОЛНИНГ ЖАВОБИ: АҚШнинг Калифорния штати. Бу ҳақда 136-35-60 телефонига Қарши шаҳридан капитан Муҳриддин Баҳриддинов хабар қилди.**

# НОМТАЛАШ

ҳажвия

Ростини айтай: ҳажвияга «номталаш» деб сарлавҳа қўяйми ё «хомталаш» дейми... анча ўйландим. «Нега?» дейсизми? Келинг бир бошдан сўзлай...

Номлаш комиссияси раиси қон босими ошиб шифохонага тушиб қолгач, шу ташвишлар менинг бошимга тушиб турибди-да. Энди англаяпман, бечоранинг қон босими бекорга ошмаган экан. Биз мажлис куни келиб фалон кўчага фалон номни берайлик деса, бир овоздан маъқуллаб кетаверар эканмиз.

Эрталаб телефон жиринглаб қолди.

— Маяковский кўчасига Шунқорий номини берайлик.

— Ким экан у Шунқорий?

— Туман рўзномасида шеъри чиққан маҳаллий шоир. Мардон Пардаевичнинг холаларининг эри экан.

— Унақа бўлса, каттароқ кўчага номини бериш керак экан, — дедим кесатиб.

— Бу кўчага бошқа харидорлар ҳам бор, ўйлаб кўриш керак, — деди комиссия аъзоларидан бири эртасига йиғилишганимизда.

— Мактабдагилар бир ўқитувчининг номини қўйсак, деб таклиф қилишяпти.

— Ие, қўйсангларчи, нима, уларга кўча кўчада қоптими?

— Ўтирасизми, — деди битта шумроғи. — Кимошди савдоси қилиб қўя қолмайсизми?

— Ҳозир ҳазилнинг вақти эмас, — дедим хуноб бўлиб. — Эртагача ўйлаб, таклифларингни айтинглар.

Бекор қилган эканман. Эртасигача яна қанчаси бошимни қотирди.

— Битта қўчқорни боқиб қўйибман. Оёғингиз тагига сўяман, ака. Шу кўча қўлдан чиқиб кетмасин. Отамиз номини бердирсангиз, биздаям қолиб кетмайди.

— Кўчанинг ўнг бетига битта, чап бетига бошқа ном берсак бўлмайдими-а? — дейди бошқаси тикилиб.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, — деди хўжалик мудиримиз, ишдан қайтиш учун отланаётганимда. — Амакимиздан бирорта зуррёд қолмади. Номи ўчиб кетмасин.

— Нима иш қилган экан? — дейман энсам қотиб.

— Ҳаммомда одамларни уқаларди... ҳалиги сизларнинг тилингизда... нима... ходимгар дейдими?

— Унақа бўлса ҳаммомга номини бериш керакмикин, — дедим ярим киноя билан.

— Яхши бўларди. Ўзимиз ҳам кўчага кучимиз етмайди, деб турибмиз.

Кўнглим ғаш тортиб қайтиб кетаётсам, маҳалламиз тижорат дўкони олдидаги ўриндиқда ўтирган Нурали мени кўриши билан жойидан туриб қўл чўзди.

— Яхшимисиз, ака. Шунақа кеч қайтасизми? Қачондан бери кутиб ўтирибман-а?

— Тинчликми?

— Ҳа, тинчлик. Келинингиз яна бир ғалвани бошлаб ўтирибди. Қайнотамиз номини абадийлаштириш масаласи...

Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди.

— Бу ёғи сизга боғлиқ эмиш. Бир иложини қилинг, ака. Хотиннинг олдида тилимиз қисиқ бўлмасин.

Нима деб ғўлдираганимни ўзим ҳам билмайман.

Уйга кирибоқ ечиниб «юз эллик»ни отиб, совиб қолган овқатни апил-тапил тушириб, бошимни ўраб ётиб олдим.

Тушимда ҳамма кўчалар, мактаблар, боғчалар, дала шийпонлари, тижорат дўконларига ҳам ном қўйиб бўлинганмиш. Марҳумлар қолиб, энди тириклар ўзларининг номлари бериладиган иншоотлар учун чопишаётган эмиш. Ном берилмаган фақат битта симёғоч қолганмиш. Ким биринчилар қаторида етиб келиб, унга тирмашиб чиқолса, симёғочга номи берилишидан хабар топган новчаю пакана, ориғу семиз, каттаю кичик, бою камбағал даъвогарлар чопиб боришаётганмиш. Симёғочга «Электр токи бор. Ҳаёт учун хавфли», деб ёзиб қўйилганмиш. «Ҳаётингизни суғурта қилдиришни унутмадингизми?» деган плакат кўтариб суғурта компанияси вакили йўл ўртасида турганмиш.

Шу пайт бирдан симёғоч қарсиллаб йиқилиб, чарақлаб ўт чиқибди. Чўчиб уйғониб кетдим. Бошим ванг ётгандим, радио дикторининг овози эътиборимни тортди. Тарихий шахсларнинг номларини абадийлаштириш тартиби ҳақида янги қарор чиқибди. Бизнинг комиссиямиз тарқатилиб юбориладиган бўпти.





Енгил нафас олиб, аста ўрнимдан турдим.

Ҳабиб СИДДИҚ,
Андижон.

БУ АЖИБ ДУНЁ

## ЎТИРИБ РЕКОРД ҚЎЙДИ

**Одамлар ном қозониш учун нималар қилишмайди-я. Бельгиянинг Антверпен шаҳрида яшовчи Роланд Брюгманснинг номи уч маротаба «Рекордлар китоби»га кирган бўлишига қарамай ҳеч тиниб-тинчимайди бечора.**

**У ўз шаҳридаги кафелардан бирида 209 соату 30 дақиқа стулда ўтириб яна «жасорат» кўрсатди ва ўзи ўрнатган аввалги рекордларини янгилади.**

## ШЕРЛАР БИЛАН ҚАФАСДА

**Жанубий африкалик Майк Оостерлаак машҳурликда ном таратдию, аммо асаб касалига дучор бўлди-да, бечора. Гап шундаки, у 64 кун шерлар билан бир қафасда яшади.**

**Хартбиспоорт шаҳридаги ҳайвонот боғининг 28 ёшли хизматчиси шуҳрат қозониш учун шундай қилгани йўқ. Воқеа бундай бўлди: ҳайвонот боғидаги горилла тушмагур ўлиб қолди. Оостерлаак унинг ўрнига иккита маймун сотиб олмоқчи бўлди, лекин ҳайвонот боғининг маблағи йўқ эди. Хизматчи керакли пулни топиш мақсадида, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, қафасга киришга мажбур бўлди. Лекин бундай ғаройиб реклама ёрдамида йиғилган пул маймун сотиб олишга етмади.**




Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди* — 21-30
1 2 3 4 5 6



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**Сиз азизларни 2002 йил 3, 10 январь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Тошкент давлат медицина институти 2-клиникасининг РАФ-22035-01, давлат рақами 74-67 ТНБ, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорти. ***Бошланғич баҳоси — 286,700 сўм.***
2. Бекобод шаҳар молия бўлимининг давлат рақами 11 AN 090, 1993 йилда ишлаб чиқарилган ВАЗ-21053 автотранспорти. ***Бошланғич баҳоси — 240,700 сўм.***
3. Бўка тумани ҳокимиятининг давлат рақами 11 АЕ 496, 1993 йилда ишлаб чиқарилган ГАЗ-31029 автотранспорти. ***Бошланғич баҳоси — 264,500 сўм.***

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган қуйидаги объектлар савдоларга қўйилади:

- Ангрен шаҳридаги 11-даҳада жойлашган сатҳи 400 кв.м ва 600 кв.м. иборат 11 та ер майдонлари. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси: сатҳи 400 кв.м. — 46400 сўм, сатҳи 600 кв.м. — 69600 сўм.***
- Пскент туманидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 2 та ер майдони. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси — 48720 сўм.***
- Янгийўл туманидаги Гулбаҳор қўрғонига қарашли ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 4 та ва Янгийўл шаҳар Тонг даҳасида жойлашган 2 та ер майдонлари. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси: 43848 сўм ва 78509 сўм.***
- Қуйичирчиқ тумани Дўстобод шаҳри У.Юсупов боши берк кўчасида жойлашган 3 та, «Ужакент» жамоа хўжалиги Гул қишлоғида жойлашган 3 та ва "Юлдуз" жамоа хўжалиги Юлдуз қишлоғидаги 3 та ер майдонлари, ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси: 40600 сўм, 23200 сўм, 17400 сўм.***
- Қуйичирчиқ тумани Ҳамза номли ширкат хўжалигида жойлашган сатхи 600 кв.м. бўлган 3 та ер майдони. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси — 26100 сўм.***
- Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида жойлашган сатхи 400 кв.м. бўлган 32 та ер майдонлари. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси — 46400 сўм.***
- Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.й., Облиқ қишлоғидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 18 та, сатҳи 600 кв.м. бўлган 18 та ер майдонлари. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси: 400 кв.м. — 22000 сўм ва 33000 сўм.***
- Бўка тумани, «Гулистон» маҳалласидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 22 та ер майдони. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси — 68400 сўм.***
- Бўстонлиқ тумани "Хумсон" ширкат хўжалиги ҳудудида ҳамда Товоқсой қўрғони Маданият кўчасида жойлашган 12 та ва 7 та ер майдонлари. ***Ер майдонларининг бошланғич баҳоси — 41064 сўмдан 61596 сўмгача.***

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти.

Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс 132-00-37.

5023/2431

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, лойиҳа ишлари билан шуғулланувчи барча ташкилотлар, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!*

**«ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» қўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг**

НАВОИЙ ВИЛОЯТ МАРКАЗИ

**Янгиработ шаҳрида давлат санитария ва эпидемиология назорати марказининг 80 ходимга мўлжалланган маъмурий биносини лойиҳалаштириш,**
***Нурота шаҳрида касб-ҳунар коллежи,***
***Навбаҳор тумани «Истиқлол» жамоа хўжалигида касб-ҳунар коллежи,***
***Навоий шаҳридаги маданият коллежи учун 300 ўринли ётоқхона,***
***Хатирчи тумани А. Ёрлақабов номли жамоа хўжалигида касб-ҳунар коллежи,***
***Зарафшон шаҳрида тиббиёт коллежи,***
***Томди тумани марказида 422 ўринли мактаб,***
***Томди тумани марказида 2 қаватли, 8 хонадонли 4 та уйнинг 2002 йилга қолдиқ қурилиш ишлари учун***

***ТЕНДЕР САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.***

Буюртмачи: ***Навоий вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси.***

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, тажриба ва нуфузга, зарур ишчи кучи ресурсларига, моддий маблағ ва бошқа ресурсларга, шунингдек шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

*Танлов савдосида қатнашувчилар тендер ҳужжатларини олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида мурожаат қилишлари мумкин.*

*Оферталар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ойдан кейин очилади.*

Манзилимиз: Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32, тел./факс 225-53-85.

5019/2405


Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Иброҳим РАҲИМнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Муштум» журнали жамоаси журналга узоқ йиллар раҳбарлик қилган собиқ бош муҳаррир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Иброҳим РАҲИМнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва шогирдларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси «Ўзбектелеком интернешнл АЖ» ҚК бош директори Тоҳир Бикметовга онаси **Раиса БИКМЕТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Элликқалъа туман ҳокимлиги туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Тоҳиржон Самандаровга опаси **Шукуржон САМАНДАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.